ЗУЛФИЯ ҚУРОЛБОЙ ҚИЗИНИНГ ОБРАЗ ЯРАТИШ МАҲОРАТИ

М.Жўраева

Мақолада ёзувчи Зулфия Қуролбой қизининг «Момо Ҳаво» ҳикояси образ яратиш маҳорати нуқтаи назаридан ўрганилган. Шунингдек, бадиий деталларнинг асар проблематикасини очиб беришдаги аҳамияти тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: *образ, ҳикоя, деталь, диалог, персонаж.*

В статье изучено мастерство создания образа в рассказе «Момо Хаво» Зульфии Куралбай кизи. Также исследовано значение художественной детали в раскрытии проблематики произведения.

Ключевые слова: *образ, рассказ, деталь, диалог, персонаж.*

The article is devoted to the study of the story «Momo Khavo» by Zulfiya Kuralboy kizi, her image creating skills, significance of artistic details in disclosing problematic of the work.

Keywords: *image, story, detail, dialogue, character.*

Замонавий ўзбек насрида баракали ижод қилаётган адиблардан бири Зулфия Қуролбой қизидир. Унинг «Момо Ҳаво» номли ҳикоясида бозор иқтисодиёти шароитида кишилар маънавиятида содир бўлаётган ўзгаришлар қаламга олинган. Ҳикояда бойлик ва манфаат йўлида инсонийлик қиёфасини йўқотган Нафосат ва унинг шериги доктор Давлатнинг характер сифатидаги моҳияти ёзувчи томонидан маҳорат билан очиб берилган.

Аввало, ҳикоя номига тўхталадиган бўлсак, асар «Момо Ҳаво», яъни инсониятнинг онаси, меҳр-муҳаббатнинг, авлодлар давомийлигининг сабабчиси бўлган муҳтарам зот номи билан аталади. Айни пайтда, ҳикоя номи орқали Момо Ҳавонинг саркаш истаги билан жаннатдан қувилган илк эркак ва аёл ҳақидаги мифологик қарашларга ҳам ишора қилинган.

Аслида ҳикоядаги Нафосатга «Момо Ҳаво» номини Акбар беради. Нафосат, яъни Акбарнинг назаридаги «Момо Ҳаво» уни ерда лойга беланиб ётган йўлакдан кўтарган эди. Бироқ Нафосат кейинчалик ўз мақсадига эришгач, майин жилмайган кўйи Акбарнинг жонини суғуриб олади. Ҳаётда йўлини йўқотган ва ичкиликка муккасидан кетган Акбарни ёмғирда йиқилиб қолган жойидан олиб, уйигача кузатиб, ширин сўзлар ва жилмайишлар билан ўзига ром этган, ҳаётга қайтариб, унга турмушга чиққан, ҳаётини обдон ўргангач, сичқондори бериб ўлдирган, ортидан йиғлаб, маъракаларини ўтказган Нафосатнинг маккорлиги, тубанлиги ҳар қандай одамни даҳшатга солмай қўймайди. Ҳикояда моддий бойлик илинжида одамлар орасидаги худбинлик, ўз манфаатини ўйлаш оқибатлари маданий кўринишдаги ёввойиликни шакллантириши мумкинлиги акс этган. Оққўнгил, самимий ва содда, бироқ жамиятдаги ўзгаришлар олдида иродаси бўшлик қилган Акбарни хотини Гулшода ташлаб кетади, қизи ногирон туғилади, онаси вафот этади. Турмушнинг бу каби зарбалари йигитнинг қаддини букиб қўяди, у ичкиликка берилади. Унинг ҳеч кими йўқлиги, яқинлари ундан юз ўгирганидан хабар топган Нафосат ва Давлат унинг уйига кириб олишга ҳаракат қилишади. Нафосат Акбарга яқинлашиб, унга турмушга чиқишгача боради, сохта севги кўрсатади, севимли ва меҳрибон хотин ролини ўйнайди. Акбар «Момо Ҳаво» деб атаган ана шу маккор аёл секин-аста унга сичқондори бериб боради. Инсонга нисбатан нафрат ва бойликка бўлган ҳирс Нафосатнинг вужудини қамраб олади. Зотан, «Кишилик жамиятининг ёввойилашишига, ундаги барча ҳуқуқ ва ҳақиқатларнинг бузилишига ҳамда одамларни

йиртқич ҳайвонлар тўдасига айланишига бефарқ бўлган одам бу иши билан яқинларига меҳру муҳаббати йўқлигини исботлайди» [4]. Демак, инсон қалбида меҳр-муҳаббат бўлмаса, у инсон эмас, балки олим таъкидлагандек, йиртқичга айланади. Зулфия Қуролбой қизи мазкур асарида сўнгги йилларда жамиятда шаклланган меҳрсиз, бефарқ, лоқайд одамларни келажак фожеадан огоҳ этади.

Мазкур асар тилига эътибор қилинса, унда персонажлар руҳиятини очиш маҳорати етук даражада намоён бўлганлигини сезиш мумкин. Асар бошида ёмғир ёғиши ва Акбар юрган йўлакнинг ўйдим-чуқурлиги, нотекис эканлиги бир неча бор қайд этилади. Масалан, «Ёмғир уч кундан буён тинимсиз шивалиб ёғарди. Асфальт кўчиб, ўнқир-чўнқир тупроқ йўлга айланган йўлак билч-билч лой, йўлак четидаги бетон ариқчалар лойқа сувга тўлган, оловранг япроқлар оёқ остида эзилиб, лойга қоришиб кетган, оқибатда йўл сирпанчиқ бўлиб қолганди» [1.255]. Диққат қилинса, ёмғир ёғиши, йўлларнинг нотекислиги, оловранг япроқнинг ерда ётиши Акбарнинг руҳий ҳолатини ифода этишга ҳам хизмат қилади. Бунда муаллиф руҳий параллелизм усулидан фойдаланган. Асарнинг биринчи саҳифасидаёқ «йўл», «йўлак» сўзларининг олти марта такрорланиши ҳамда уларнинг нотекислигига урғу бериш орқали ўқувчи диққати Акбарнинг мураккаб ва нотекис умр йўлига қаратилади. Дастлаб оддий деталь вазифасини бажарган йўлак образига ҳикоя давомида янги бадиий-эстетик вазифа юкланади. Ушбу деталь асар проблематикасини очиб беришдаги муҳим воситага айланиб, ҳаёт йўллари бир текис эмаслиги, унда турли хил одамлар ва синовлар учраши мумкинлигига ишора қилади.

Ёзувчи Акбарнинг яшил деворни пайпаслаганча кетиб бориши, у қўрқиб юрадиган ҳодиса содир бўлиши – бехосдан йиқилиб тушиши, ўрнидан турмоқчи бўлгани, муздай ер мисдек қизиб ётган кўксига хуш ёққани учун ғужанак бўлиб, пишиллаб ухлаб қолганини тасвирлайди. Шундан кейин «*Уйига етишига эллик қадамча қолганди*» [1.255] деган изоҳ келтирилади. Гап мазмунида афсус, надомат бўртиб турибди, бунда муаллиф позициясини англаш мумкин. Аввалги ўринларда феълларнинг аниқ ўтган замон шакли («*интилди», «хуш ёқди», «бўлиб олди», «қолди»*) қўлланилган бўлса, парчада узоқ ўтган замон («*қолганди»*) шакли қўлланилган. Яъни энди бир ўзи уйига кирмайди, энди унинг ҳаётига зомин бўлгувчи одам уни олиб киради. Ровий нутқида шу эллик қадам узоқдек туюлиб қолганидан афсусланиш бор. Бу билан персонажнинг яқин келажакдаги хатти-ҳаракатлари ўзгармаса, фалокат юз беришидан огоҳлантирмоқчидек туюлади. Муаллиф қаҳрамонининг ҳаётига аралашмайди, уни ўз характер мантиқига мувофиқ тасвирлайди. Шу билан бирга унинг олдида бошқа йўл ҳам борлигини, иродасини ишга солиб ўзи тушиб қолган вазиятдан чиқиб кетишига имкон топиши мумкинлигини ҳам таъкидлашга ҳаракат қилади. Бу билан ёзувчи персонаж хатти-ҳаракатларини реал акс эттиришга ва унинг ўзи англаб етмаган имконлари мавжудлигини кўрастишга эришади. Зеро, Акбар уйгача бўлган ана шу эллик қадамни ўзи босиб ўтиши мумкин бўлганидек, ҳаётидаги қийин вазиятдан ҳам Нафосатнинг сохта ёрдамларисиз чиқиб кетишга қодир эди.

Нафосат образи тасвири учун фойдаланилган сўз ва иборалар асар тилидаги бадиий таъсирдорликни кучайтирган. Аёлнинг жилмайиши ва Акбарнинг саволларига муносиб жавоб бериши ўқувчи қалбига илиқлик олиб киради. Дастлаб Нафосат портрети қуйидагича берилади: «Калта қора плаши ўзига ярашган, кўҳлик жувон қўлини хиёл олдинга узатганча соябонини тутиб, уни ёмғирдан тўсиб турарди.

– Келинг, ёрдамлашаман... – жувон қўлини узатди» [1.256].

Айниқса, Акбар ва унинг муҳитидаги тасвирлар ўқувчи қалбида унга нисбатан раҳм-шафқат ҳиссини сал бўлса-да уйғотиб, ҳаётнинг шунақа томонлари ҳам борлиги ҳақида ўйлашга мажбур этиб турганда бирданига меҳрибон, зарур нарсаларни ўзи билан олиб юрувчи аёлнинг пайдо бўлиши, бир томондан, ўқувчини сергаклантирса, иккинчи томондан, Акбарнинг ҳам ўзини ўнглаб олишига туртки бериши лозим эди. Дастлабки соатларда шундай ҳам бўлди. Акбарнинг ўзини ўз уйида меҳмондек ҳис қилиши, аёл эса ўзини мезбондек тутиши ҳам ўқувчи диққатини жалб қилади: «Гўё уй эгаси жувон-ку, ўзи кутилмаганда келиб қолиб ўзини ноқулай сезаётган меҳмон» [1.258].

Ҳикоянинг баъзи ўринлари, албатта, ўқувчида шубҳа уйғотиши табиий. Нафосатнинг кўчада бегона эркакка ёрдам бериши, унинг уйигача кузатиб, уйига ҳам кириши, чой қўйиб, иситма туширадиган, шамоллашга қарши дорилар бериши, Акбардан унинг ёмғирда ивиган кийимларини олиши, кетишда эшикни ўзи ёпиб кетиши аёлнинг бир қарашда ўта меҳрибончилиги остида аллақандай сир борлигига ишора ҳам сезилади. Шу тариқа ёзувчи ровий нутқидаги тафсилотлар замирига аёлнинг руҳиятига ишора қилувчи унсурларни ҳам сингдириб юборган.

Эртаси куни яна кўчада учрашиб қолишлари, кейинги кун қайта учрашиши ва аёл ўз ҳаётини, «дарди» айтиб бериши ва учинчи марта учраш-

ганда турмуш қуриш ҳақида таклиф олиши ва муддат сўраганда, йигитнинг бир ҳафта етадими, дейиши-ю, бу узоқ муддат дегандек *«вуй... намунча?»* деб жавоб қилиши китобхонда Нафосат образига нисбатан зиддиятли тасаввурлар уйғотади. [1.260]. Ёзувчи персонажнинг гап-сўзларию хатти-ҳаракати орқали унинг асл қиёфасини очиб бораверади.

Илк учрашув пайтида Нафосат Акбарнинг ичганини билмаган содда аёлдек кўринади. Нафосат ҳақида шундай хаёлга борган Акбар кейинчалик унга ўзининг пиёниста эканлигини айтганида, аёлдан мен буни сезгандим, деган жавоб олади, бундан Акбарнинг бутун ички олами ағдар-тўнтар бўлиб кетади. «Билгандим... - шикаста, паст овозда айтилган бу сўз Акбарнинг қулоғига чинни пиёла жарангидек ёқимли эшитилди. Аммо у қулоқларига ишонмади. Қулоқларим мени алдаяпти, деб ўйлади. Юзини тўсган кафтларини туширишга ҳам уринмади. Ожизлик қилди» [1.263]. Акбарнинг ўз ҳаётидан, ўзининг аҳволидан уялиши, аёлнинг қаршисида виждони уйғониб, худди кимдир унга шапалоқ тортиб юбораётгандек юзини тўсгани унинг маънавий оламида ғурур, уят ҳали бутунлай йўқ бўлиб кетмаганлигини кўрсатади. Акбарнинг ор-номуси кучли, ғурури баланд эканлигини кўрсатадиган деталлар аввалроқ бошқа ўринларда ҳам берилади. Лекин шу ерда Нафосатнинг ҳам ранги оқариб кетади – у ўзининг ғараз нияти ошкор бўлиб қолиши мумкинлигидан қўрқиб кетади. Бироқ аёлда фақат ўзи кутган фазилатларнигина кўраётган Акбар буни сезмайди. Шу тариқа Акбар ва Нафосатнинг ички оламидаги ўзаро кўринмас зиддиятга айрим ишоралар берилади, бироқ Нафосат Акбарни ўлдириб, маърака ва бошқа маросимларини ўтказиб, қизини ҳам ўлдириш ниятини ошкор қилмагунча унинг асл қиёфаси юзага чиқмайди.

Ёзувчи шу ўринда «адабиёт одамни индивид ва омма билан мулоқотга киритиш, бир кишига тегишли ахборотларни оммага ёхуд оммага доир маълумотларни алоҳида шахсларга етказиш орқали уларни ўзаро алоқага киритиш воситасига айланади» [2.31] деган қарашдан келиб чиқиб иш юритади. Натижада асар сўнггидаги диалогик нутқ орқали персонажлар руҳияти ва умуман инсоний моҳияти ошкор қилинади.

Ҳикоя охирида Акбарнинг ногирон қизини уйига олиб келган Нафосатга доктор Давлат «Бир умр ногирон қизни боқиб ўтирмоқчимисан, нима бало? Жонингга тегиб кетса ундан қандай қутуласан?» дея савол беради. «Аёл ҳиринглади.

– Бу осон...

– Яна маргимушми?

– Нима қипти? Нафосат сигарета қолдиғини кулдонга ташлаб, ўрнидан турди. Қаддини ғоз тутганча виқор билан юриб эшик кесакисига суяниб турган Давлатнинг олдига келди: – Нима қипти? – дея такрорлади у.

– Бу сафар дозасини сал оширсак, қийинчилик узоққа чўзилмайди. Яна жичча маргимуш топиб бераоласанми, азизим?» [1.274]

Мазкур диалог, унда персонажлар ҳолати, ҳаракатларига берилган изоҳлар қисқа ва содда гаплардан иборат эканлиги билан эътиборга лойиқ. Бу эпизод персонажлар руҳиятига ёвузлик жуда чуқур ўрнашиб олганини, улар учун бу одатий ҳол эканини кўрсатади. «Чўққи соқолли» таърифи Давлатнинг шайтонга хос таърифи бўлиб, унинг исми олдига доктор қўйиб айтилиши ҳам ноанъанавий ҳолат. Шунингдек, уйни қўлга киритиш учун Давлат ва Нафосат ўйлаб топган ҳамда амалга оширган қотиллик инсон қиёфасидаги шайтон ва унинг жазманига қиёсланади. Бу ердаги ҳар бир жумла ва ўзаро муносабат бу иккисининг руҳий дунёси аллақачон ҳайвоний қиёфага киргани, нафс ва гуноҳларга тўлганини кўрсатади. Бу орқали маънавий қашшоқлик инсонларни қай даражада «маданий ёввойилик»ка олиб боргани акс эттирилган. Аслида инсониятнинг асосий бахти юқори даражада ахлоқий-маънавий комилликка эришиш ва шу орқали олий даражадаги руҳ, қалб ва идрок эркинлигини кашф этиш ҳисобланади. Лекин Зулфия Қуролбой қизининг «Момо Ҳаво» ҳикояси персонажлари бошқача йўл тутишади. Иқтидорли адиба қалами орқали уларнинг инсонга хос бўлмаган қиёфаси, шайтоний ҳаваслар орқали амалга оширган тубанликлари юксак даражада маҳорат билан акс эттириб берилган.

Адабиётлар:

1. Зулфия Қуролбой қизи. Қадимий қўшиқ: ҳикоялар. – Т.: O‘zbekiston, 2012. – Б. 255-274.
2. Йўлдошев Қ., Йўлдошева М. Бадиий таҳлил асослари. – Т.: Kamalak, 2016. – 464 б.
3. Кант, Иммануил. Из лекций по этике / Этическая мысль. – М.: Политиздат, 1990. – 480 с.
4. Трубецкой Е.Н. Смысл жизни // http://www.litres.ru/602415. мурожаат этилган сана: 2018.09.07.

Фарғона давлат университети,
2018 йил 20 июнда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. Й.Солижонов)